

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**«РЎЙХАТГА ОЛИНДИ»**

№ ВМ - 343 - 3400 - 3.16  
«09» \_\_\_ 08 \_\_\_ 2003 й.

**«ТАСДИҚЛАНДИ»**

**Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус  
таълим вазирлиги  
С.Туляиов  
«1» июль 2003 й.**

**«БОШАРУВ ВА МОЛИЯВИЙ ТАҲЛИЛ»**

**фанидан  
ДАСТУР**

**340000 - “Бизнес ва бошқарув” таълим соҳасидаги барча бакалаврият  
йўналишлари учун**

**Тошкент - 2003**

**Тузувчилар:** и.ф.н., доц. А.Т. Иброҳимов,  
и.ф.н., кат. ўқ. У.К. Якубов,  
кат. ўқ. Н.Ф. Ишонкулов

**Такризчилар:** и.ф.н., доц. Ш.Файзиев,  
и.ф.н., доц. Б.Файзиев

Мазкур ўқув дастури иқтисодий йўналишлардаги олий ўқув юртларининг 3 - 4 - курс талабаларини ўқитишга мўлжалланган. Бозор иқтисодиёти шароитида «Бошқарув ва молиявий таҳлил» фанини ўқитиш бухгалтерия ҳисоби ва аудит, молия ва кредит соҳаларида малакали мутахассисларни тайёрлаш билан узвий боғлиқдир. Дастур уч бўлимдан иборат. Унда бошқарув ва молиявий таҳлилнинг мазмуни ҳамда инвестиция ва ташқи иқтисодий фаолият таҳлилининг ўзига хос хусусиятлари ифодаланган.

Данная учебная программа предназначена для подготовки студентов 3 - 4 - ых курсов высших учебных заведений экономического направления. В условиях рыночной экономики является объективной необходимостью подготовка высококвалифицированных кадров в области бухгалтерского учёта, аудита, финансов и кредитования. В этой связи преподавание предмета «Управленческий и финансовый анализ» играет большую роль в процессе подготовки вышеупомянутых кадров. Учебная программа состоит из трех частей. Она включает в себя вопросы сущности управленческого и финансового анализа, а также особенности анализа инвестиционной и внешней экономической деятельности предприятий.

The given educational program is intended for opening - up of the students 3<sup>rd</sup> and 4<sup>th</sup> year of higher educational establishments of an economical direction. In conditions of market economy is by objective necessity the opening - up of highly qualified staff in the field of the accounting count, audit, finance and crediting. In this connection teaching of a subject « the Administrative and financial analysis » plays a large role during opening - up of the above mentioned staff. The educational program consists of three parts. It includes problems of nature of the administrative and financial analysis and also features of the analysis of investment and external economical activity of firms.

## 1.СЎЗ БОШИ

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётидаги туб ўзгаришлар малакали кадрларга бўлган талабни юзага чиқармоқда. Бу эса, ўз навбатида, бизнес ва бошқарув соҳасида банд бўлган ходимларни замонавий билимлар билан ўқитишни талаб этмоқда. Мутахассислик фанлари қаторига кирувчи ушбу фан талабаларни корхона фаолиятини таҳлил этиш ва мақсадли бошқаришни муҳим воситалари билан таништиради. Мазкур фан корхоналар иқтисодини бошқариш, хўжалик жараёнлари, уларнинг самарадорлиги ва молиявий натижавийлигини баҳолаш, хўжалик - молия фаолиятига иқтисодий ташхис қўйишнинг усуллари ҳақида билим беради.

### **Ўқитишнинг мақсад ва вазифалари, бошқа фанлар билан боғлиқлиги**

«Бошқарув ва молиявий таҳлил» фани фирма, компания, ҳиссадорлик жамиятлари ва шу каби турли мулк шаклидаги корхоналар фаолиятини ўргатиш мақсадида ўқитилади. Бу фаннинг ўқитилишидан мақсад бўлғуси иш жойларида турли хил ахборот манбаларидан фойдаланиб, корхоналарда бўлаётган ўзгаришларни ўз вақтида тушуниш ва бошқарув бўйича тўғри қарорлар қабул қилишдан иборатдир. Асосий вазифалар бўлиб, фирма ва компаниялар фаолиятига ҳолисона баҳо беришни ўрганиш, йўл қўйилган камчиликлар, ички имкониятларни аниқлаш ва илғор тажрибаларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этишдир.

«Бошқарув ва молиявий таҳлил» фанини ўзлаштиришда талабалар «Иқтисодий назария», «Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика», «Статистика», «Маркетинг ва менежмент асослари», «Банк иши», «Жамғарма иши», «Суғурта», «Микроиқтисодиёт», «Макроиқтисодиёт», «Аудит», «Бюджет ва бюджет тузилиши», «Молия», «Кичик бизнес ва тадбиркорлик», «Солиқлар ва солиққа тортиш», «Пул, кредит, банклар», «Молиявий ва бошқарув ҳисоби», «Инвестицияни ташкил этиш ва молиялаштириш», «Қимматбаҳо қоғозлар ва фонд биржаси» ва шу каби бошқа иқтисодий фанларни мукамал эгаллашлари лозим.

### **Фан бўйича талабаларнинг билимига, уқувига ва қўникмасига қўйиладиган талаблар**

- бошқарув ва молиявий таҳлилнинг муҳим тамойиллари ва қўллайдиган услубларини бўлғуси иш жойларида фойдаланиш;

- жорий, тезкор ва истиқболли таҳлил турларини иқтисодий ҳодиса ва жараёнларни ўрганишда қўллаш;
- аниқ фирма ва компания фаолиятидаги жараёнларни ахборот манбаларидан фойдаланиб тўғри тушуниш;
- корхоналарнинг моддий, меҳнат ва молиявий ресурслардан фойдаланганлик даражасига баҳо бера олиш;
- ишлаб чиқариш, даврий ва молиявий фаолият билан боғлиқ харажатларни ўргана олиш;
- маҳсулотлар сотишдан, асосий ва умумхўжалик фаолиятдан кўрилган молиявий натижаларни аниқлай билиш;
- молиявий аҳвол ва тўлов қобилиятини ўрганиб рақобатга чидамли бўлишлик учун амалга ошириладиган тадбирларни кўрсата билиш;
- фирма ва компанияларнинг иқтисодий самарадорлигини яхшилаш бўйича таклифлар бера олиш.

#### **Амалий, семинар ва лаборатория машғулоти бўйича бажариладиган ишлар ҳажми**

Олий таълимнинг давлат таълим стандартида ушбу курсга 216 соат ҳажмда вақт ажратилган. Уларнинг 72 соати маъруза, 72 соати амалий машғулоти ва 72 соати мустақил таълим ҳисобланади.

Аудитория машғулоти турларининг соатлар ҳажми (фоизларда): аудитория машғулоти бўйича соатларнинг 144 (100 %) соати аудитория соатларига 72 (33,3 %) соати мустақил таълим соатларига ажратилган. Мустақил таълим соатлари ўқув графиги бўйича кафедра кунларида ташкил этилади.

#### **Фан бўйича талабалар билимини баҳолаш тадбирлари**

Фан бўйича талабалар билими рейтинг тизими бўйича баҳоланади. Умумий ўқув графиги бўйича ажратилган соатларнинг 70 фоизи жорий ва оралик баҳолашга, 30 фоизи якуний баҳолашга ажратилади. Жорий баҳолаш ҳар бир амалий машғулотларда ўрганилган мавзулар бўйича кичик тестлар, фирма ва компаниялар мисолида тузилган амалий масалаларни ечиш натижаларига қараб амалга оширилади. Оралик баҳолаш эса мавзуларни тўлиқ қамраб олувчи таянч иборалар ва сўзлар асосида ёзма иш олиш натижаси билан ҳал этилади. Талабаларнинг давомати (20 фоизгача), фаоллиги (30 фоизгача), дафтар тутиши (20 фоизгача) ва якуний ёзма иш (30 фоизгача) бўйича жорий ва умумий рейтинг баҳолари чиқарилади. Якуний баҳолаш ёзма иш ёзиш асосида ташкил этилади ва баҳоланади.

## **Компьютер, информацион ва бошқа замонавий ўқитиш технологияларини қўлланилиши**

Фанни ўзлаштиришда илғор педагогик технологиянинг таркибий қисмлари бўлмиш: 1) фаннинг мазмунини кўрсатувчи кўргазмали альбомлардан фойдаланиш; 2) таянч иборалар ва сўз луғатларидан ёзма ишни ташкил этиш; 3) “Бухгалтерия иш жойини автоматлаштириш” дастуридан фойдаланиш; 4) “1С - Бухгалтерия” дастуридан фойдаланиш; 5) “Бухгалтерия ҳисоботини ва корхона молиявий кўрсаткичларини автоматлаштириш”, 6) Масофавий ўқитишни ташкил этиш каби компьютерда бажариладиган дастурлардан фойдаланилади.

### **Фанни ўқитишдаги янги технологиялар**

Фанни ўзлаштиришда илғор педагогик технологиянинг таркибий қисмлари бўлмиш;

- - фаннинг мазмунини кўрсатувчи кўргазмали альбомдан фойдаланиш;
- - фирма ва компанияларнинг молиявий ҳисобот ва бизнес режа маълумотларига асосланиб амалий машғулотлар ўтказиш;
- - таянч иборалар ва сўз луғатларидан иборат ёзма ишни ташкил этиш;
- - Бухгалтер иш жойини автоматлаштириш дастуридан фойдаланиш;
- - «1С Бухгалтерия» дастуридан фойдаланиш;
- - бухгалтерия ҳисоботини ва корхона молиявий кўрсаткичларини автоматлаштириш ва бошқа шу каби компьютерда бажариладиган дастурлардан фойдаланилади.

### **Фанни ўқитиш семестрлари ва услубий кўрсатмалар**

«Бошқарув ва молиявий таҳлил» фани учинчи курснинг бешинчи ва олтинчи семестрларида ўқитилади. Дастлаб бошқарув таҳлилида: маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш, ишлаб чиқариш ресурслари билан таъминланганлик ва улардан фойдаланганлик, маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг таннархини таҳлил этиш ўрганилади. Сўнгра молиявий таҳлилда: корхонанинг молиявий ҳолати ва молиявий натижалари, хусусий капитал ва пул оқимлари ўрганилади. Фанни ўрганишнинг сўнгги босқичида фирма ва компанияларнинг ташқи иқтисодий фаолиятини таҳлил этишнинг услублари ўргатилади. Ўқув жараёни рейтинг тизими асосида ташкил қилиниб, жорий баҳолаш ҳар бир амалий машғулотларда ўрганилган «Назарий ўйин», «Мияга хужум» ва бошқа илғор услубларни қўллаб аниқланади.

## **Умумий ўқув ишлари турлари бўйича ҳажм**

«Бошқарув ва молиявий таҳлил» фанидан олинган назарий билимлар талабаларнинг малакавий амалиёт ўтиш жараёнида янада мустаҳкамланади ва келгусида долзарб бошқарув масалаларининг тўғри ечимини топишга ўргатади.

## **2. ФАН ДАСТУРИ**

### **Маъруза машғулотларининг мазмуни**

#### **1 - Бўлим**

#### **Иқтисодий таҳлил назарияси**

#### **Иқтисодий таҳлилнинг мазмуни, предмети ва вазифалари**

Иқтисодий таҳлил корхоналарнинг бошқариш, хўжалик фаолияти натижаларига ҳолисона баҳо бериш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш имкониятларини аниқлаш воситаси эканлиги. *Макроиқтисодий таҳлил, микроиқтисодий таҳлил. Иқтисодий таҳлилнинг мазмуни.*

Бошқарув ва молиявий таҳлил предмети. Социал иқтисодий самарадорлик, молиявий натижалар ва объектив ҳамда субъектив омилларни таҳлил предмети тарифида акс этишининг зарурати.

#### **Таҳлилнинг асосий вазифалари.**

#### ***Таҳлил турлари ва шакллари***

Молиявий ва бошқарув таҳлилининг мазмуни бўйича – глобал ва локал таҳлил; замон нуқтаи - назаридан – тезкор таҳлил, жорий ва истиқболли таҳлил; таҳлилдан фойдаланувчилар бўйича - ички таҳлил, ташқи таҳлил; ўрганилаётган объектни қамраб олиш даражаси бўйича – батафсил таҳлил ва танлаб ўтказилган таҳлилларга бўлиниши. *Таҳлил шакллари: комплекс таҳлил, омилли таҳлил, функционал қиймат таҳлили, маржинал таҳлил, лойиҳа таҳлили, молиявий таҳлил, бошқарув таҳлили ва ҳ.к.*

#### **Таҳлил тамойиллари.**

Бошқарув ва молиявий таҳлилнинг «Иқтисодий назария», «Бухгалтерия ҳисоби», «Статистика», «Аудит», «Менежмент» каби иқтисодий фанлар билан алоқадорлиги.

#### **Иқтисодий таҳлил методологияси ва унда қўлланиладиган усуллар**

Бошқарув ва молиявий таҳлил методи ва методологиясининг бир - бирдан фарқланиши. Ўрганилаётган объектга диалектика нуқтаи назаридан ёндашиш. *Ўрганилаётган объектга системали, узлуксизликни таъминлаган ҳолда ёндашиши.*

### **Индукция ва дедукция методлари. Анализ ва синтез.**

Иқтисодий таҳлилда таққослаш усулининг қўлланилиши ва унинг шартлари. Гуруҳлаштириш усули ва унинг қўлланилиши. *Балансли боғланиш усули. Занжирли алмаштириш усули, нисбий миқдорлардан фойдаланиш усулларидан таҳлилда фойдаланиш шартлари.*

Таҳлилнинг иқтисодий - математик усуллари: корреляция ва регрессия таҳлили, назарий ўйин усули, чизиқли программалаштириш, интеграл усули. Бу усулларни иқтисодий таҳлилда қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари.

Аналитик ишни ташкил этиш ва унинг ахборот базаси (таянчи)

Иқтисодий таҳлилни ташкил этиш принциплари:

- А) таҳлил қилувчилар ўртасида мажбуриятларни тақсимлаш;
- Б) иқтисодий жараёнларни тежамли ва самарали бўлишини таъминлаш;
- В) ҳар бир ижрочи учун минимум даражада аналитик жадвалларни тайёрлаш, кўрсатма, таҳлил этиш услублари бўйича қўлланмалар билан таъминлаш.

*Иқтисодий таҳлилни амалга ошириш босқичлари.*

*Таҳлил натижаларини расмийлаштириш.*

Таҳлилда жадваллар, чизмалар, диаграммалардан фойдаланишнинг афзалликлари.

Таҳлилда фойдаланиладиган ахборот манбаларининг режа, ҳисоб ва ҳисоботда ифодаланадиган маълумотлар, қўшимча маълумотларга бўлиниши.

Таҳлил натижаларини тўлиқ ҳажмга эга бўлиши учун қўшимча маълумотлардан фойдаланиш зарурлиги.

*Махсус ҳужжатлар, хўжалик - ҳуқуққа оид ҳужжатлар, илмий - техника маълумотлари, корхона меҳнат аъзоларининг умумий йиғилиши қарорлари, интернет, радио, телевидение, газета ва журнал материаллари, техника ва технологияга оид ҳужжатлар, манбалар ва бошқа маълумотлардан таҳлилда фойдаланиш.*

Маълумотларнинг ҳисоботда аниқ ифодаланганлигини текшириш усуллари. Таҳлил манбаларига қўйиладиган шартлар. Иқтисодий таҳлилнинг амалийлиги ва тезкорлигини ошириш муаммолари. Бу муаммоларни ҳал этишда иқтисодий маълумотларни тўплаш ва уларга ишлов бериш, аналитик

ҳисоб - китобларни амалга оширишни компьютерлаш. Маълумотлар банкини ташкил этиш.

## 2 - Бўлим

### Бошқарув таҳлили

#### Корхона маҳсулоти ва хизматига бўлган талаб ва таклифни таҳлили

Корхонанинг маркетинг фаолиятини таҳлил этишнинг аҳамияти ва таҳлил вазифалари. Корхона маҳсулоти ва хизматига бўлган талаб ва таклифни таҳлил этиш услублари. *Талаб ва таклифга таъсир этувчи омиллар: маҳсулот баҳоси ва унинг сифати, харид этувчиларнинг даромади, ўзаро алмашадиган товарлар баҳоси, бозорни товарлар билан тўйинганлиги ва ҳ.к.*

Истеъмол товарларини истеъмолчи томонидан харид этилмаганлик сабаблари: ташқи ва ички сабаблар.

Истеъмол товарлари ва хизматлар бозорини таҳлил этиш услублари. Рақобат даражаси ва уларнинг таҳлили. Нарх - наво сиёсати, улар тўғрисида тушунча ва таҳлил вазифаси. *Нарх - навони ташкил топishi ва уларнинг турлари. Рақобат даражаси кўрсаткичлари ва уларни аниқловчи омиллар.*

#### Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг таҳлили

Бозор иқтисодиёти шароитида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини таҳлил этишнинг аҳамияти, вазифалари ва унда фойдаланадиган манбалар. *Маҳсулот ҳажмини ифодаладиган кўрсаткичлар тизими. Қиймат, натура, шартли натура кўрсаткичларининг маҳсулот ҳажмини аниқлашда қўлланилиши.* Маҳсулот ҳажми ўсиш суръатининг таҳлили. Ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмларининг бир - бирига боғлиқлиги. Маҳсулот ҳажмини аниқлашда хўжалик шартномасининг тутган ўрни. Маҳсулот ассортиментини таҳлил этиш услуби. *Маҳсулот таркибидаги ўзгаришнинг унинг қиймат шаклига таъсирини ҳисоблаш услуби.* Маҳсулот таркибини ўзгариш сабаблари.

Маҳсулот ишлаб чиқариш маромийлигини таҳлил этиш услуби. Маромийликни аниқлашда тўғри ва эгри кўрсаткичларнинг қўлланилиши.

*Маромийлик коэффицентини аниқлаш тартиби.* Маромийликнинг бузилиш сабаблари ва унинг оқибатлари. Бозорни хилма - хил товарлар билан тўлдиришда кичик, ўрта корхоналар ва тадбиркорлик фаолиятининг тутган ўрни ва аҳамияти.



*Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир этувчи омилларни туркумларга ажратиш.*

### **Маҳсулот (иш, хизмат)лар сотиш ва уларнинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар таҳлили**

Бозор иқтисодиёти шароитида сотиш ҳажмини таҳлил этишнинг аҳамияти ва вазифалари. Маҳсулот сотиш ҳажми динамикасининг таҳлили. *Сотиш ҳажмининг ўртача йиллик ўсиш даражасини ҳисоблаш тартиби. Маҳсулот сотиш ҳажмига таъсир этувчи омиллар ва уларнинг таҳлили.*

Сотиш бўйича шартнома мажбуриятлари бажарилишининг таҳлили. Шартнома мажбуриятларнинг бажарилмаслик сабаблари ва унинг корхона иқтисодиётига таъсири. Сотиш ҳажми, ўртача нарх, сотишдан келадиган тушум ва фойда миқдорларининг харид бозорига боғлиқлиги.

*Маҳсулот сифатини таҳлил этиш услуги. Сотилган маҳсулот сифатини ифодаловчи умумий кўрсаткичлар тизими.* Сифатни ифодаловчи якка ва эгри кўрсаткичлар. Маҳсулотнинг рақобат - бардошлиги таҳлили. Бракдан кўриладиган йўқотишлар. Тузатиб бўладиган ва тузатиб бўлмайдиган бракнинг маҳсулот ҳажмига таъсирини ҳисоблаш тартиби.

Бозор иқтисодиёти шароитида маҳсулот рекламацияси, бутлиги(комплект) га эътиборни кучайтиришнинг зарурлиги.

*Маҳсулот сотиш ҳажмини ошириш имкониятларини ҳисоблаш ва жамлаш.*

### **Меҳнат ресурслари билан таъминланганлик, меҳнат унумдорлиги ва уларнинг маҳсулот ҳажмига таъсирининг таҳлили**

Корхонанинг меҳнат ресурслари билан таъминланиши ва улардан самарали фойдаланиш кўрсаткичларининг маҳсулот ҳажми, таннархи ва молиявий натижаларда ўз аксини топиши. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ресурсларининг таркиби ва ўсиш суръатларининг ўзига хос хусусиятлари. *Меҳнат ресурслари таҳлилининг вазифалари.* Корхонанинг ишчи кучи билан таъминланганлиги, унинг таркиби ва ҳаракати. Кадрлар тайёрлаш ва уларни малака даражасининг таҳлили. *Кадрлар қўнимсизлигининг таҳлили. Иш вақтидан фойдаланиш таҳлили.* Иш вақтидан тўлиқ фойдаланмаслик, иш вақтини йўқотиш сабаблари ва уларнинг маҳсулот ҳажмига таъсирини аниқлаш тартиби.

Меҳнат унумдорлик кўрсаткичлари ва унинг динамикаси таҳлили. Бир ходимга тўғри келадиган ўртача йиллик маҳсулотга таъсир этувчи омилларни ҳисоблаш тартиби ва услуги. *Ишчининг бир соатлик иш унумининг ўзгариш*

*сабаблари. Меҳнат сизими ўзгаришининг меҳнат унумдорлик кўрсаткичига таъсирини аниқлаш тартиби.* Иш вақтидан унумли фойдаланиш ва меҳнат унумдорлигини ўсиши ҳисобига маҳсулот ҳажмини ошириш имкониятларини аниқлаш.

### **Корхонани моддий ресурслар билан таъминланиши ва улардан самарали фойдаланишнинг таҳлили**

Моддий ресурсларнинг ишлаб чиқаришда тутган ўрни ва улардан самарали фойдаланишнинг аҳамияти. Таҳлил вазифалари. Корхонанинг моддий ресурслар билан таъминланишини таҳлил этиш услуби. *Хом ашё, ёқилғи материаллари захира ҳолатининг таҳлили. Оптимал буюртма ва захира партияларини аниқлаш тартиби.*

Моддий ресурслар (хом - ашё, ёқилғи ва ҳ.к.) дан самарали фойдаланишни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими. *Маҳсулот материал сизими ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни ҳисоблаш услуби.*

Материаллардан самарали фойдаланиш кўрсаткичи – материаллар харажатини ҳар сўмига тўғри келадиган фойда миқдорининг ўзгаришига материал қайтими, жами ишлаб чиқаришда сотилган маҳсулот улуши ва рентабеллик даражаси ўзгаришининг таъсирини ҳисоблаш усули. *Сарф меъёри ва материал баҳосининг ўзгариш сабаблари. Иккиламчи ресурслардан фойдаланишнинг афзалликлари.* Материал ресурслардан унумли фойдаланиш, захира ортиқчалигини камайтириш ва материал сизимини пасайтириш эвазига маҳсулот ҳажмини ошириш имкониятларини ҳисоблаш.

### **Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш таннархининг таҳлили**

Корхона харажатларини таҳлил этишнинг аҳамияти, вазифаси ва ахборот манбаи. Корхона харажатларини туркумлаш. Маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган харажатлар таҳлили, бевосита ва билвосита моддий, меҳнат харажатлари ва бошқа ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган харажатларнинг таҳлили. *«Ўзгармас» ва «Ўзгарувчан» харажатлар таҳлили. Харажатларнинг иқтисодий мазмуни ва таркибий қисмлари таҳлили.* 1 сўмлик маҳсулот учун қилинган ишлаб чиқариш харажатлари таҳлили. Ишлаб чиқариш моддий харажатлар таҳлили, ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнат ҳақи харажатлари ва ижтимоий суғуртага ажратма харажатларининг таҳлили. Асосий фондлар ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар амортизациясининг таҳлили. Материаллар, ёқилғи ва энергия учун қилинган харажатлар таҳлили. *Иш ҳақи харажатлари таҳлили. Ишчилар ва бошқа тоифадаги ходимларнинг*

*иш ҳақи фондига таъсир этувчи омилларнинг таҳлили. Меҳнат унумдорлиги ўсиши билан ўртача иш ҳақи ўртасидаги нисбатнинг таҳлили ва уларнинг маҳсулот таннархига таъсирини ҳисоблаш. Ишлаб чиқариш йўналишидаги бошқа турдаги харажатлар таҳлили. Айрим маҳсулот турлари ишлаб чиқариш таннархининг таҳлили. Маҳсулот таннархини пасайтириш бўйича аниқланган имкониятлар (резерв)ни умумлаштириш.*

### **Даврий харажатларнинг таҳлили**

Таҳлилнинг мазмуни, вазифалари ва манбалари. Бошқарув харажатлари таҳлили, маҳсулотларни сотиш харажатларининг таҳлили ва *бошқа операцион харажатлар таҳлили*. Сотиш билан боғлиқ бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари ва ижтимоий суғуртага бўлган харажатларнинг таҳлили. Савдо эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган бинолар, иншоотлар ва хоналарни ижарага олиш, сақлаш ва тузатиш харажатлари, асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси харажатлари таҳлили. *Товарларни сақлаш, ўраш - жойлаш ва савдо рекламаси харажатлари таҳлили. Маъмурий харажатлар: бошқарув ходимларига тегишли бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш ва ижтимоий суғуртага ажратма харажатлар, енгил автотранспортга ва хизмат микроавтобусларини сақлаш, ёллаш ва ижарага олиш харажатлари, хизмат сафарлари ва вакиллик харажатлари таҳлили*. Бошқа операцион харажатлар: кадрлар тайёрлаш, маслаҳат, ахборот хизмат ва аудиторлик хизматларига ҳақ тўлаш, саломатликни муҳофаза қилиш ва ходимларнинг дам олиши билан боғлиқ харажатлар, компенсация ва рағбатлантириш тусидаги тўлов харажатлари, зарарлар, жарималар, пенялар бўйича харажатлар таҳлили. Давр харажатларини пасайтириш имкониятларини ҳисоблаш.

### **3 - бўлим**

#### **Молиявий таҳлил**

#### **Корхона молиявий ҳолати таҳлили**

Таҳлилнинг мазмуни ва вазифалари. Бухгалтерия баланси ва унинг таҳлилда қўлланилиши. Баланс актив қисми таҳлили. Баланс пассив қисми таҳлили. *Ўз оборот маблағлари билан таъминланганлик ва унинг ўзгариш сабаблари таҳлили. Корхона тўлов қобилияти таҳлили. Корхона молиявий барқарорлиги таҳлили. Банк мижозининг кредитга лаёқатлилиги таҳлили. Баланс ликвидлиги таҳлили. Жорий ва истиқболли ликвидлик коэффициентлари таҳлили. Оборот маблағлар айланиши таҳлили. Маблағлар айланишининг умумий ва алоҳида (якка) кўрсаткичлари тизими. Корхона молиявий ҳолати таҳлилининг натижаларини умумлаштириш ва молиявий*

соғломлаштириш йўлларини белгилаш. Корхона молиявий ва иқтисодий ҳолатига умумий баҳо бериш.

### **Молиявий натижалар таҳлили**

Молиявий натижалар таҳлилининг мазмуни, вазифалари ва манбалари. Молиявий натижаларнинг шаклланиши, йиллик соф фойда ва унинг таркибининг таҳлили. Маҳсулот сотишдан кўрилган ялпи фойда, унинг ўзгаришига сотишдан олинган соф тушум ва сотилган маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннархи ўзгариши ҳамда бошқа омиллар таъсирининг таҳлили. *Асосий фаолиятдан кўрилган фойда ва чиқимлар таҳлили. Асосий ишлаб чиқариш фаолиятидан олинган бошқа даромадлар: ундирилган ёки эътироф этилган жарима, пеня ва штрафлар, асосий фондлар ва бошқа мол - мулкларни сотишдан олинган даромадлар, кредиторлик ва депонент қарзларни ҳисобдан чиқаришдан олинган даромадлар, товар - моддий бойликларни қайта баҳоланишидан ва давлат субсидияларидан вужудга келадиган даромадлар, ҳолисона молиявий ёрдам ва бошқа операция даромадлар таҳлили.* Умумхўжалик фаолиятининг молиявий натижалари таҳлили. Молиявий фаолиятдан олинган даромадлар: олинган роялтилар ва сармоя трансферти, бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида улушли қатнашиш эвазига олинган даромадлар, акциялар бўйича дивидендлар ва облигациялар, қимматли қоғозлар бўйича даромадлар, лизинг тўловларининг даромадлари, валюта операциялари бўйича даромадлар, сарфланган маблағларни қайта баҳоланишидан олинган даромадлар таҳлили. *Солиқ тўлангунга қадар фойда ва фойданинг ишлатилиши таҳлили. Бюджетга тўловлар ва бошқа ажратмаларнинг таҳлили. Рентабеллик даражалари таҳлили.* Рентабелликка таъсир этувчи омиллар таҳлили. Фойда ва рентабелликни ошириш имкониятларини аниқлаш.

### **Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари таҳлили**

Таҳлил вазифаси ва манбаси. Дебиторлик қарзлар таркиби, муддатлари ва уларни ундирилиш ҳолатининг таҳлили. Кредиторлик қарзларининг таркиби, муддатлари ва уларнинг қайтарилиш ҳолатининг таҳлили. Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари балансининг таҳлили. *Муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари таҳлили. Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар айланувчанлиги таҳлили. Қарзларни камайтириш имкониятлари.*

## **Асосий воситалар ҳолати ва улардан фойдаланишнинг таҳлили**

Таҳлилнинг мазмуни, вазифаси ва манбаи. Асосий воситалар таркиби, тузилиши ва динамикасининг таҳлили. *Асосий воситалар техник ҳолатининг таҳлили*. Асосий воситалар билан таъминланганлик ва қуролланганлик даражаси таҳлили. Асосий воситалардан самарали фойдаланиш кўрсаткичларининг таҳлили. *Асосий воситалардан фойдаланишнинг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига таъсирининг омилли таҳлили*. *Машина ва жиҳозлардан вақт ва қувват бўйича фойдаланишнинг таҳлили*. Асосий воситалардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имкониятларини аниқлаш.

## **Пул оқимлари (ҳаракатини) таҳлили**

Пул оқимлари таҳлилининг мазмуни, вазифалари ва манбалари. Умумий пул оқими (ҳаракати)нинг таҳлили. *Хўжалик фаолиятида пул маблағлари ҳаракатининг таҳлили: харидорлардан келиб тушган пул маблағлари, мол етказиб берувчиларга тўланган пул маблағлари, ходимларга ва ходимлар номидан тўланган пул маблағларининг таҳлили*. Инвестиция фойдаси ва молиявий хизмат кўрсатишдан кўриладиган пул оқимининг таҳлили. Олинган ва тўланган фоизлар, олинган ва тўланган дивидендлар таҳлили. Солиқланишдаги пул маблағлар сарфининг таҳлили. Инвестиция фаолиятидаги пул маблағлари таҳлили: номоддий активлар, узоқ муддатли моддий активларни сотиб олиш ва сотиш, харид қилинган узоқ ва қисқа муддатли қўйилмалар бўйича пул маблағлари таҳлили. *Молиявий фаолиятдаги пул оқимининг таҳлили: Акция чиқаришдан капиталга тушум, узоқ ва қисқа муддатли қарзларнинг ундирилиши, ижара мажбуриятлари бўйича тушум ва тўловлар таҳлили. Валюта маблағлари ҳаракатини таҳлили. Пул маблағлари ҳаракатининг тезлаштириш имкониятларини аниқлаш*.

## **Хусусий капиталнинг таҳлили**

Таҳлилнинг мазмуни, вазифалари ва манбалари. Хусусий капиталнинг таркиби: устав капитали, қўшилган капитал, резерв капитали, тақсимланмаган фойда, хусусий капитал билан қопланмаган зарарларнинг таҳлили. *Хусусий капиталнинг ўзгариш сабаблари таҳлили*. *Хусусий (ҳиссадор) капиталининг ўсиши, қимматбаҳо қозғалар эмиссияси, асосий воситаларнинг қайта баҳоланиши, резерв учун ажратма, жорий йил фойда ёки зарари, олинган*

*дивидендлар таҳлили. Ҳисобот даври охирида устав капиталига кўшилган бадаллар, чиқарилган оддий ва имтиёзли акциялар, муомаладаги акциялар ҳаракати таҳлили. Хусусий капитални кўпайтириш имкониятларини аниқлаш.*

#### **4 - бўлим**

### **Корхонанинг айрим фаолият турлари таҳлилининг ўзига хос хусусиятлари**

#### **Корхонанинг инвестиция фаолияти таҳлили**

Таҳлилнинг мазмуни, вазифаси ва манбалари. Ишлаб чиқариш инвестициясининг таҳлили. *Молиявий инвестициялар таҳлили. Инвестициялар таркиби ва динамикасининг таҳлили. Хорижий инвестицияларни жалб қилинганлиги ва унинг самарадорлиги таҳлили. Инвестициялар иқтисодий самарадорлигини баҳолаш.*

#### **Корхона ташқи иқтисодий фаолиятининг таҳлили**

Ташқи иқтисодий фаолият таҳлилининг моҳияти ва мазмуни. Экспорт фаолиятининг таҳлили. *Экспорт фаолияти билан боғлиқ харажатлар ва молиявий натижаларнинг таҳлили. Импорт фаолиятининг таҳлили. Импорт фаолияти билан боғлиқ молиявий натижалар таҳлили. Ташқи иқтисодий фаолият бўйича молиявий натижаларнинг таҳлили.*

## **3. АМАЛИЙ МАСҲУЛОТЛАР МАВЗУЛАРИ РЎЙХАТИ**

### **1 - Бўлим**

#### **Иқтисодий таҳлил назарияси**

#### **Иқтисодий таҳлилнинг мазмуни, предмети ва вазифалари**

Иқтисодий таҳлил корхоналарнинг бошқариш, хўжалик фаолияти натижаларига ҳолисона баҳо бериш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш имкониятларини аниқлаш воситаси эканлиги. Макроиқтисодий таҳлил, микроиқтисодий таҳлил.\* Иқтисодий таҳлилнинг мазмуни.\*

Бошқарув ва молиявий таҳлил предмети. Социал иқтисодий самарадорлик, молиявий натижалар ва объектив ҳамда субъектив омилларни таҳлил предмети тарифида акс этишининг зарурати.

Таҳлилнинг асосий вазифалари.

Таҳлил турлари ва шакллари.\*

Бошқарув ва молиявий таҳлилни мазмуни бўйича – глобал ва локал таҳлил; замон нуқтаи назаридан – тезкор таҳлил, жорий ва истиқбол таҳлил; таҳлилдан фойдаланувчилар бўйича - ички таҳлил, ташқи таҳлил; ўрганилаётган

объектни қамраб олиш даражаси бўйича – батафсил таҳлил ва танлаб ўтказилган таҳлилларга бўлиниши. Таҳлил шакллари: комплекс таҳлил, омилли таҳлил, функционал қиймат таҳлили, маржинал таҳлил, лойиҳа таҳлили, молиявий таҳлил, бошқарув таҳлили ва ҳ.к.\*

Таҳлил тамойиллари.

Бошқарув ва молиявий таҳлилни «Иқтисодий назария», «Бухгалтерия ҳисоби», «Статистика», «Аудит», «Менежмент» каби иқтисодий фанлар билан алоқадорлиги.

### **Иқтисодий таҳлилнинг методологияси ва унда қўлланиладиган усуллари**

Бошқарув ва молиявий таҳлилнинг методи ва методологиясини бир - биридан фарқланиши. Ўрганилаётган объектга диалектика нуқтаи назаридан ёндашиш. Ўрганилаётган объектга системали, узлуксизликни таъминланган ҳолда ёндашиш.\*

